2013 йил 22 февраль, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 38 (12.349)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ҳунари гўзаллар

## МОҲИР ЗАРДЎЗ

***Азал-азалдан эъзозланиб келган миллий ҳунармандчилигимизнинг турлари кўп. Улар орасида зардўзлик ўзининг нозик жилолари, миллий қадриятларимиз, шарқона анъаналаримизни акс эттириши билан ажралиб туради. Мазкур йўналишда аёл ва қизларимиз муваффақиятли фаолият юритишмоқда, асосийси, азалий анъаналаримиз тикланмоқда.***

Саодат Шодмонова ҳам ҳунармандлар сулоласидан бўлиб, болалигидан зардўзлик сир-асрорларини мукаммал ўрганди. Ёш бўлишига қарамай ушбу йўналишда кўплаб маҳсулот турларини яратган. Бугунги кунда ўз ҳунарини шогирдларига ўргатиб келмоқда.

— Оиламиз ҳунармандлар сулоласи давомчилари ҳисобланади. Зардўзлик йўналиши бўйича фаолият олиб борамиз. Зардўзликка қизиқишни отам ва онам уйғотишган. 12-13 ёшимда уларнинг қилаётган ишларини кўриб, қизиқишим ортган ва ушбу ҳунарни ўрганганман. Яъни, устозларим — бу ота-онамдир. Танқидни ҳам, мақтовни ҳам улар айтишади. «Мана бу жойи ўхшамабди, ўзгартириш киритиш керак» дея фикр билдиришади. Ҳар бир оилада ҳунарли киши бўлиши керак, деб ҳисоблайман.

Зардўзлик ҳунари осон эмас, лекин маҳсулотингиз тайёр бўлганидан сўнг барча чарчоқларингиз чиқади. Куёвларнинг чопонлари, келинларнинг сарпосига керак бўладиган буюмларни тикиб келяпмиз. Буюртма асосида хом ашёларни оламиз. Бозор ва харидор талабидан келиб чиққан ҳолда иш юритяпман. Замонавийлик билан миллийликни уйғунлаштириб зардўзлик буюмлари яратмоқдаман. Асосийси мен тайёрлаётган буюмлар харидорларга манзур бўлиб, ҳунарим эъзозланаётганидан қувонаман. Қилаётган ишим атрофдагиларга ёқиши учун сифатли, чиройли ва ҳаммага манзур бўладиган буюмлар яратишга ҳаракат қиламан.

Ҳунарманддан талаб қилинадиган хусусиятлар, бу — эътибор, сабрдир. Аввал эскизларни чизиб беришарди, ҳозирда турмуш ўртоғим рассом сифатида ёрдам кўрсатади.

Шогирдлари сони кўпаяётганидан, ҳунарини уларга ўргатиб келаётганидан қувонаётган ҳунарманднинг келажакдаги режалари бисёр. Ўзи эгаллаган ҳунар сирини бошқаларга ҳам ўргатиш, қўшимча иш ўринларини яратиш шулар сирасига киради.

Юртимизда ўтказиладиган Bazar Art ва бошқа кўргазмаларда қатнашиш ҳунармандлар билан ўзаро фикр алмашиш имконини беради. Бундай кўргазмалар ижодкорга янгилик яратишга туртки бўлади, деб ҳисоблайди ҳунарманд. Бундан ташқари, бошқа ҳунармандларнинг ишларини кўриб, янада илҳомланиб, янги-янги маҳсулотлар яратиш, малака ошириш имкони пайдо бўлади.

Саодат ўтган йил охирларида Тошкентда ёш тадбиркорлар меҳнатини кенг тарғиб қилиш ва уларни маънавий рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» шиори остидаги Тошкент шаҳри ёш тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматлар ва инновация ғоялари кўргазмасида ўзининг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари билан фаол иштирок этгани учун фахрий диплом билан тақдирланди. Биз Саодат Шодмоновага ўз ҳунари билан миллий ҳунармандчилигимиз довруғини дунёга ёйиш йўлида улкан зафарлар тилаб қоламиз.

**Зиёда РАСУЛОВА**

**Козим Ўлмасов олган сурат**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ТАДБИРКОРЛАР ЭРКИНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

***Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун яратилган шарт-шароит тобора кенгайтирилмоқда.***

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 16 июлда қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, бизнес субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва уларнинг эркин фаолият юритишини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур фармонда белгиланган меъёрлар қонунларимизда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Шу мақсадда «Лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тубдан қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ҳамда «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-таомиллари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилингани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ўтказилган давра суҳбатида мазкур лойиҳаларни янада такомиллаштириш хусусида сўз юритилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари ҳамда Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмиталари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, тадбиркорлик субъектлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Б.Ёқубов, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси С.Жабборов, Адлия вазирининг биринчи ўринбосари Е.Каньязов ва бошқалар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг иқтисодиётдаги улуши тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

Такомиллаштирилаётган қонун лойиҳалари бозор иқтисодиёти талабларига, халқаро меъёрларга мувофиқ бўлиб, бюрократик ғовларни бартараф этиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаларини атрофлича муҳокама қилиш асносида иштирокчилар томонидан уларни маромига етказиш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Ўзбекистоннинг Япониядаги дипломатия ваколатхонаси томонидан Токиода ташкил этилган тақдимот маросимида мамлакатимизда сайёҳлик соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, ноёб тарихий ёдгорликлар, ўлкамизнинг жўғрофий, табиий ва иқлимий шароитлари, шунингдек, юртимизнинг замонавий тараққиётига оид атрофлича маълумотлар тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола этилди.***

## ЯПОНИЯДА ТАҚДИМОТ

Мамлакатимиз бағрида жойлашган бетакрор маданий ва меъморий осори атиқалар билан бирга ўзбек заминининг ноёб ўсимлик ва ҳайвонот олами билан танишишни ўз ичига олган ранг-баранг сайёҳлик дастурлари японияликларда катта қизиқиш уйғотди.

**Мэгуро шаҳар Маданият уюшмаси президенти Рейко Като** «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан мулоқот чоғида ушбу тадбир юртимизнинг нафақат сайёҳлик имкониятлари, балки ўзбек халқ амалий санъати намуналари, миллий либослар ҳамда Ўзбекистоннинг тарихи ва замонавий тараққиёти билан ҳам яқиндан танишиш учун қулай имконият яратганини қайд этди.

Унинг айтишича, ўзбек ва япон халқлари Буюк Ипак йўли даврига бориб тақаладиган қадим ҳамкорлик алоқаларига эгадирлар. «Ўзбекистон мавзуига бағишланган тақдимот маросимининг ўтказилиши мамлакатларимиз ўртасида олиб борилаётган фаол маданий ва гуманитар алмашувларнинг мантиқий давоми ҳисобланади», деди у.

**Мэгуро шаҳар мэрининг ўринбосари Йошитеру Като**нинг баёнот беришича, бўлиб ўтган мазкур анжуман ўзбек халқининг тарихий-маданий мероси нақадар бой эканлигини яна бир бор намоён қилди.

Унинг айтишига қараганда, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда қўлга киритилган муваффақиятлар республикада ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар нақадар самарадор эканлигидан яққол далолат беради. «Япония билан ўзаро дўстона муносабатлар учун мустаҳкам заминнинг мавжудлиги эса тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланган стратегик шерикликни ҳар томонлама чуқурлаштириш учун асос бўлади», деди Й.Като.

Тадбир интиҳосида мамлакатимизнинг улкан сайёҳлик имкониятлари ҳақида ҳикоя қиладиган ҳужжатли фильмнинг намойиш этилгани тақдимот мазмундорлигини янада оширди.

**«Жаҳон» АА**
**Токио**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманида Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарини ўқиб-ўрганишга бағишланган ўқув семинари ўтказилди. Семинарда ҳозирги мураккаб глобаллашув даврида халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан асраш ҳамда ҳимоя қилиш масалаларига мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.**

**• «Тошкент» халқаро аэропортида янги эскалатор фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, йўловчиларни кузатувчи ва кутиб олувчилар учун аэровокзал биноси ёнида икки қисмдан иборат айвонлар ҳам барпо этилди.**

**• Олмалиқ шаҳрида «Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий юксалиш жараёнларида ҳудудий матбуот нашрларининг ўрни ва аҳамияти» мавзуида семинар-тренинг ташкил этилди. Унда Тошкент вилоятида фаолият юритаётган босма оммавий ахборот воситалари, матбаа корхоналари вакиллари иштирок этишди.**

**• Навоий вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида ўтказилган ёшларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросимида Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш йўлида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган Қуролли Кучлар барпо этилганлиги алоҳида таъкидланди.**

**• Жиззах шаҳридаги Наврўзбулоқ трассасида Обод турмуш йилига бағишланган автопойга бўйича республика кубоги мусобақаси якунланди.**

### ЖАҲОНДА

**• Мексикада олиб борилган тезкор чора-тадбирлар натижасида гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланаётган жиноий гуруҳ аъзолари қўлга олинди. Махсус операция чоғида 63 киши ушланган бўлиб, улар орасида қамоқхона хизматчиси, полиция ходими каби масъул вазифаларда ишлаб келган шахслар ҳам бор. Мазкур амалиёт пайтида жиноий гуруҳга тегишли бўлган, қиймати 3,5 миллион еврога тенг кокаин, марихуана ва бошқа гиёҳвандлик моддалари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.**

**• Япония ҳукумати «Japan Tabacco» компанияси акцияларининг давлатга тегишли қисми сотилишини маълум қилди. Яъни, мамлакат молия вазирлигига корхонанинг 50 фоиз ва қўшимча яна битта акцияси тегишли бўлиб, ҳукумат шунинг учдан бир қисмини 10 миллиард АҚШ долларига сотмоқчи. Бундан тушган маблағни 2011 йилда мамлакатда юз берган зилзила ва цунами талафотларини бартараф этишга йўналтириш режалаштирилган.**

**• «Барселона» (Испания) футбол жамоаси ҳужумчиси аргентиналик Лионел Месси Испания чемпионатининг 24-турида «Гранада»га қарши ўйинда иккита тўп киритишга муваффақ бўлди. Шу тариқа Месси «Барселона» сафида ўзининг 300 ва 301-голларини урди. Таъкидлаш жоизки, ушбу машҳур клуб сафида 300 талик довонни ҳозирга қадар ҳеч бир футболчи забт эта олмаганди.**

**• 2010 йилнинг апрель ойида Мексика кўрфазидаги нефть платформасида юз берган портлаш оқибатида АҚШ табиати жиддий зарар кўрганди. Мазкур воқеа сабабчиларидан бири бўлган Швейцариянинг «Transocean Deepwatel» компанияси устидан АҚШ федерал суди ҳукм чиқарди. Унга мувофиқ компания АҚШга 1,4 миллиард доллар миқдорида товон пули тўлайди.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** «Туркистон» саройида «Энг намунали милиция таянч пункти» танловининг республика якуний босқичи бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Бектемир туман ҳокимлигида тадбиркорларнинг муаммоларини ечишга қаратилган «Тадбиркорлар куни» тадбири ўтказилди.

✓ **ЁШЛАР** ижод саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан шеърият кечаси ташкил этилди.

Қонунларимизни ўрганамиз

# КИЧИК БИЗНЕС ФАОЛИЯТИДА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИ

***Давлат божхона қўмитасининг ташаббуси билан Тошкент шаҳар божхона бошқармасида манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 20 декабрдаги «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонунининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган семинар ташкил этилди.***

Унда пойтахтимизда фаолият юритувчи ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Мавзу юзасидан шуни таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда божхона соҳасида божхона назорати ва расмийлаштирувини янада такомиллаштириш ва шаффофлаштириш, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун имтиёзлар ва қулайликлар яратиш мақсадида бир қатор янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга татбиқ қилинди.

Ҳар бир кичик бизнес ва хусусий корхоналар фаолияти тегишли ҳуқуқий муҳитда кечади. Шунинг учун уларга керакли ҳуқуқий шароит яратиш катта аҳамиятга эга. Бу жараён эса биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий корхоналар фаолиятини тартибга келтирувчи фармонлар ҳамда улар фаолиятини ривожлантириш учун қулай шароит яратиб берувчи қонунларнинг мавжудлиги, яъни корхоналарни рўйхатдан ўтиш жараёнининг қисқа ва оддий бўлиши; кичик бизнес ва хусусий корхоналарни сансалорликдан ҳимоя қилиш; солиқ қонунчилигини такомиллаштиришдан иборат. Бинобарин, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бу мамлакатимизда тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида қилинаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлиб, тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай бизнес-муҳит яратиш, хусусий мулкчиликни мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва бу борада ишончли кафолатларни таъминлаш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш, жумладан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу фаолият билан боғлиқ қонун ҳужжатларини соддалаштириш йўлида қилинаётган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Тадбирда таъкидланганидек, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонуннинг мақсади иқтисодиётимиз ривожи йўлида фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қонун 29 та моддадан иборат бўлиб, расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач (яъни 2013 йил 20 июндан) кучга киритилади.

Ушбу қонунда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи ҳимоя қилинишининг, жамоат хавфсизлигининг ҳамда атроф-муҳит муҳофаза қилинишининг таъминланиши; рақобатни чеклайдиган рухсат бериш тартиб-таомиллари белгиланишига йўл қўйилмаслиги; рухсат бериш тартиб-таомилларининг ошкоралиги, очиқлиги ва тушунарлилиги; рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартибига доир талабларнинг ягоналиги; тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги; рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг қулай ва равон йўл орқали берилиши ўз ифодасини топган.

Ваколатли органлар томонидан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш соддалаштирилган тартибда «бир дарча» орқали амалга оширилади. Корхоналарнинг берилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг реестрини юритиб, уни ўз расмий веб-сайтларига жойлаштиришига алоҳида эътибор қаратилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, ушбу қонунга асосан ваколатли органлар билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилади, унга мувофиқ рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъектларининг фойдасига талқин қилинади деб қатъий белгилаб қўйилган.

Қизғин муҳокамаларга бой тарзда ўтган тадбирда иштирокчилар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**(Ўз мухбиримиз)**



Қарор ва ижро

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ЙЎЛИДА

***Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш масалаларига юртимизда муҳим эътибор қаратилмоқда. Жойларда аҳоли иштирокида ушбу долзарб мавзулар муҳокамаси ва тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида турли-туман тадбирлар ўтказилмоқда.***

Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан Олмазор туманидаги 15-оилавий поликлиника жамоаси томонидан туман ҳокимлиги ва «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси таянч маскани билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида «Шодлик», «Истиқбол» ва «Бўстон» маҳаллалари аҳолиси иштирокида ўтказилган тадбир ҳам «Болаликдан ногиронликнинг олдини олиш» ва «Эрта никоҳларнинг салбий оқибатлари» мавзуларига бағишланди.

Туман ҳокимлиги вакиллари, репродуктив саломатлик маркази, 2-туғруқ мажмуаси ходимлари, тор соҳа мутахассислари қатнашган тадбирда 2-туғруқ мажмуаси бош шифокори З. Нажимова ва 15-оилавий поликлиника бўлим мудири Г. Мирраимовалар эрта никоҳнинг салбий оқибатлари, болаликдан ногиронликнинг олдини олиш, юртимизда она ва бола саломатлиги муҳофазаси борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтдилар.

Бевосита мулоқот давомида йиғилганларга соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи видеолавҳалар намойиш этилди ва шу мавзудаги буклетлар тарқатилди. Шунингдек, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси таянч маскани томонидан камқонлик ва йод танқислигининг олдини олиш мақсадида ҳомиладор аёлларга бепул дори-дармонлар туҳфа этилди.

Маҳаллалар аҳли томонидан берилган саволларга мутахассислар батафсил жавоблар қайтаришди.

**Даврон НУРМАТОВ**
**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа**

# ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан «Chamber Invest Group» компанияси билан биргаликда хорижий давлатлар билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга бағишланган тадбир ташкил этилди.***

Тадбир Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар вакиллари иштирокида янги «Techno Plaza» индустриал бизнес-марказида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов Ўзбекистонда хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида сармоядорлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун ўзига хос кафолатлар тизими яратилганини таъкидлади. Давлатимиз томонидан хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари кафолатланган, уларнинг сармоялари ҳамда мамлакатимиз ҳудудида яратилган мулкининг дахлсизлиги ҳимояси таъминланган.

Бундан ташқари, яратиб берилаётган имтиёз ва афзалликларни кенгайтириш ва либераллаштириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бунда муҳим омил бўлмоқда.

«Навоий халқаро интермодал логистика маркази» ва «Ангрен» махсус индустриал зонасининг салоҳиятига бағишланган тақдимот хорижий меҳмонларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Тадбирда таъкидланганидек, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида 12 корхона бунёд этилди ва фойдаланишга топширилди, улар томонидан 2012 йилда 80 миллиард сўмга яқин қийматдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Аккумулятор симлари, автомобиллар учун газ баллонлари, уяли ва турғун телефонлар, модемлар ва интернет уланмалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш каби йўналишлар бўйича яна 7 юқори технологик лойиҳа амалга оширилиши давом этмоқда.

«Ангрен» махсус индустриал зонаси Тошкент вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан фойдаланиш, Фарғона водийси корхоналари билан ҳамкорлик ўрнатиш имконини беради. Ангрен махсус индустриал зонасида иштирок этувчи корхоналарга киритилган сармоялар ҳажмидан келиб чиқиб 3 йилдан 7 йилгача муддатда кенг солиқ ва божхона имтиёзлари ва афзалликлари яратилган, инфратузилма объектлари ва коммуникацияларга уланиш кафолатланган.

Тадбир давомида иштирокчилар, шунингдек, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси иштирокида ташкил этилган «Chamber Invest Group» компанияси имкониятлари тўғрисида маълумотга эга бўлди. Компания фаолияти Савдо-саноат палатасининг мамлакатимиз тадбиркорларининг хорижий ҳамкорлар билан ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш ва мустаҳкамлашга доир стратегик мақсадларига эришишга кўмаклашишга қаратилган.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири**

# САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

***Судларда апелляция тартибида иш юритиш нисбатан янги институт бўлиб, бу борадаги хорижий тажрибани ўрганиш ва ижобий синовдан ўтган халқаро амалиётни миллий қонунчиликка жорий қилиш алоҳида аҳамият касб этади.***

Тошкент давлат юридик институтида «Суд қарорларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш масалалари: Ўзбекистон ва Япония тажрибаси», «Ўзбекистонда хўжалик процессида назорат тартибида иш юритиш» ҳамда «Жиноят процессида назорат тартибида иш юритиш хусусиятлари» мавзуларида ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуман ҳам худди шу масалага бағишланди.

Японияning Нагоя, Миэ ва Коучитанки университетлари билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон ва Япония давлатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, бу борада мамлакатлар процессуал қонунчилигини қиёсий таҳлил қилиш, соҳада кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб бориш, ушбу йўналишни ривожлантиришга қаратилган илмий мақолалар чоп этиш ҳамда шу асосда тегишли таклифлар ишлаб чиқиш каби масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, мамлакатимизда демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишлардан бири — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ҳамда либераллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Айнан шунинг учун мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ислоҳотларнинг мазкур йўналишига алоҳида устувор вазифа сифатида қаралди ва ана шундай ёндашув туфайли бу борадаги ишларнинг кўлами, миқёси, самарадорлиги кейинги ўн йилликда ниҳоятда кенгайиб, янги босқичга кўтарилди.

Анжуманда япониялик экспертлар томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва уни янада либераллаштириш борасидаги амалий ишларга юқори баҳо берилди ҳамда ўзаро илғор тажрибаларни илмий жиҳатдан янада такомиллаштириш, қонунчилик амалиётини ёш ҳуқуқшуносларнинг амалий ўқув жараёнлари орқали ўрганишга қаратилган тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Фармонбек МАТНАЗАРОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

# КЕЛАЖАГИМИЗ ДАВОМЧИЛАРИГА ЭЪТИБОР

## бугунги куннинг долзарб масалаларидан

***Бугун мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида ислоҳотлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.***

Бу ислоҳотлардан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «аслида, ҳар қандай ислоҳотнинг энг муҳим самараси аввало халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаётига, тақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса чиқариши билан белгиланади. Биз амалга ошираётган ислоҳотларимизда ана шундай натижаларга эришиш учун барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатларини қўйдик. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ана шу жараёнларнинг моҳиятида **ислоҳот-ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак,** деган мақсад мужассам эканини ва унинг амалий ифодасини барча соҳаларда кўриш, кузатиш қийин эмас». Табиийки, ушбу ислоҳотларимиз марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш мақсади ётади. Шу маънода баркамол ёш авлодни ривожлантиришда уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмасида «Баркамол ёш авлодни ҳар томонлама ривожлантириш ва уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш масалалари» мавзусида бўлиб ўтган семинар-тренинг ҳам ушбу масалага бағишланди. Мазкур тадбир Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва «Камолот» ЁИҲ ҳамкорлигида ташкил этилди.

Семинар-тренингда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, ички ишлар органлари, прокуратура, Адлия бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳар бўлими, ННТ, ОАВ вакиллари, профессор-ўқитувчилар, ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари қатнашдилар.

Анжуман иштирокчилари таъкидлаб ўтишганидек, мамлакатимиз аҳолисининг деярли ярмини ташкил этувчи ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг иқтидор ва имкониятларини очиб беришга қаратилган шароитларни яратиш давлат ва жамият олдидаги устувор вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш борасида мавжуд ҳуқуқий ва юридик базани таҳлилий кўз билан қараб, уларга бугун замон талаб қиладиган тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, керак бўлса, олдимизга қўйган мақсадларга жавоб берадиган янги ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш борасида чора-тадбирлар амалга ошириб келинаётганлиги натижасида, бугун республикамизда бошқаларга ўрнак бўла оладиган даражада ўзига хос ҳуқуқий тажриба яратилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул котиби М. Раҳимов «Тошкент шаҳрида вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлили ва уларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар» мавзусида қилган маърузасида Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни талаблари асосида вояга етмаганлар томонидан турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида маълумот берди.

Тошкент шаҳар прокуратураси вакили А.Муҳаммадбоқиев «Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар» мавзусидага маърузасида таъкидлаганидек, жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилади, ҳуқуқий маданият, билим, эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди. Шу жумладан, А.Муҳаммадбоқиев ўз маърузасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишини камайтиришда муҳим ўрин тутишини амалий мисоллар ёрдамида кўрсатиб берди.

Тошкент шаҳар ИИББ бўлинма инспектори А.Очилов «Тошкент шаҳрида вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолати ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар» ва ФЖШМҚМИ Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси етакчи мутахассиси У.Расулов «Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда фуқаролик жамияти институтларининг роли» мавзуларидаги маърузаларида Тошкент шаҳрида вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги масалаларига эътибор қаратишди. Шунингдек, маърузачилар томонидан мазкур масалада ННТларнинг фаоллигини ошириш бўйича таклифлар билдирилди.

Тадбир доирасида касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари орасида ёшлар сиёсий-ҳуқуқий маданиятини аниқлашга қаратилган ижтимоий тадқиқот ўтказилди.

Тадбирда иштирокчиларни ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга ошириш жараёни билан таништириш билан биргаликда, ўзаро тажриба алмашиш, мулоқот қилиш асносида амалда мавжуд муаммоларни ҳал қилишнинг оқилона ечимини топиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилди. Жумладан:

— ёшларда юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш борасида олиб борилаётган ишлар танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқилиши, мавжуд муаммоларни бартараф қилиш ва ҳуқуқий тарғибот ишларини кучайтириш борасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

— мамлакатда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар моҳиятидан келиб чиқиб, давлат органлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришдаги ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш;

— ҳуқуқий билимларни кенг оммага етказишнинг янги, замонавий, таъсирчан ҳамда самарали усул ва услубларидан кенг фойдаланиш;

— оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий ислоҳотлар мазмунини ёритишга қаратилган дастурлар, мақолалар, ижтимоий роликларнинг таъсирчанлигини ошириш;

— интернет тармоғидан фойдаланувчилар сонининг ошиб бориши муносабати билан, ҳуқуқий тарғиботга бағишланган сайтлар, таълим порталлари, ижтимоий рекламалар сонини кўпайтириш;

— суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг аҳоли, айниқса ёшлар билан бевосита мулоқотини кучайтириш;

— аҳоли ўртасида республикамизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган конференциялар, давра суҳбатлари, семинарларни мунтазам ташкил қилиб бориш;

— ҳуқуқий тарғибот ишларини замонавий усулларда олиб бориш имконини берадиган зарур моддий-техник базани такомиллаштириш каби таклифлар шулар сирасига киради.

Иштирокчилар қизғин баҳс-мунозаралар асосида ўтказилган ушбу семинар-тренинг ишидан мамнунликларини билдириб, бундай тадбирларни кўпроқ ўтказиш, унда аввало, ёшларнинг ўзларига имконият бериш лозимлиги ҳақида таклифлар билдиришди.

**Дониёр АЮПОВ,**
**ФЖШМҚМИ Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси раҳбари**

